Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 47 (8.782) ◆ 1996 йил ◆ 22 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Европа Ҳамжамиятлари комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистонга ташрифи пайтида ўзига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Президент Ислом Каримовга астойдил миннатдорчилик билдирилган мактуб йўллади.

❑ 19 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг таъсис конференцияси бўлди. Унда жамғарма низоми қабул қилинди. Президентнинг Олий Мажлисдаги вакили Ҳотам Абдураимов «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

❑ Президент девонининг назорат инспекцияси ҳузуридаги назорат масалалари ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идораларарo кенгашнинг биринчи мажлисида Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси устидан назоратни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

❑ «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг 19 апрель куни бўлиб ўтган пленумида Россия Давлат думасининг Беловеж шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарорига муносабат билдирилган баёнотнома қабул қилинди.

❑ «Ўзбекистон» нашриёти ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг «Келажак хотираси» китобини чоп этди, Парижда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб шу кунларда ўтаётган тантаналар доирасида бу китобни таништириш маросими ҳам бўлади.

❑ Мудофаа вазирлигининг марказий ҳарбий машқ майдонида мамлакатимиз қуролли кучларининг командаштаб умумқўшин машқлари бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Украина, Швейцария, Туркия ва Қозоғистон ҳарбий делегациялари кузатувчилар сифатида иштирок этдилар.

❑ Тошкентга француз бизнесменлари, иқтисодчилари, журналистлари ва сайёҳларининг катта гуруҳи келди. Улар Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини ҳам зиёрат қиладилар.

❑ Самарқанд туманидаги Охалик тоғ қишлоғида соғломлаштириш маркази очилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Москвада Ғарбнинг тараққий этган етти давлати ҳамда Россия давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ядро хавфсизлиги масалаларига бағишланган олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда ядро хавфсизлиги масалалари буйича декларация, ядро синовларини тўла-тўкис тўхтатиш тўғрисидаги шартномани имзолаш ҳақида баёнот, Чернобиль атом электр станцияси ҳақида ҳамда Ядровий материалларнинг ноқонуний тарқатилишига қарши кураш юзасидан дастур қабул қилинди.

❑ Грознийда чечен халқлари анжумани бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик келишуви тўғрисида шартнома қабул қилинди. Анжуманда дудаевчилар вакиллари иштирок этмадилар.

❑ Бирлашган Араб Амирликларига сафаридан қайтиб келган Татаристон президенти Минтемир Шаймиев Россия федерал маъмурлари билан Жохар Дудаев ўртасида хоҳлаган вақтда воситачилик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

❑ Россия мудофаа вазири Павел Грачев Қора денгиз флотини Украина билан бўлиб олишни ҳозирча тўхтатиб туриш тўғрисида буйруқ берди.

❑ Украина НАТОнинг шарққа қараб кенгайишига қарама-қарши собиқ СССР ҳудудида ташкил этилиши мумкин бўлган ҳарбий блокка кирмаслиги тўғрисида баёнот берди.

ХОРИЖДА

❑ Бугун Брюсселда Грузия билан Европа Ҳамжамиятлари ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланади. Бу битимни Озарбайжон ва Арманистон раҳбарлари ҳам имзолайдилар.

❑ Дамашқда Франция, Италия, Россия, Сурия ва Эрон ташқи ишлар вазирлари ҳамда АҚШ давлат котиби Ливан-Исроил танглигини бартараф этиш юзасидан шошилинч музокаралар ўтказдилар.

❑ Берлинда бўлиб ўтган «Чернобиль: ўн йилдан сўнг» анжуманида ушбу атом электр станциясида рўй берган фожиа оқибатида 25 минг киши ҳалок бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилди.

❑ Кеча Австрия пойтахти Венада шайбали хоккей бўйича жаҳон биринчилиги бошланди. Унда 12 миллий жамоа иштирок этмоқда.

— БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ —

ИСЛОМ КАРИМОВ ФРАНЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг сессияси ишида ҳамда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Францияга жўнаб кетди.

Ўзбекистон раҳбари ташрифи давомида Франция Президенти Жак Ширак билан учрашади. Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» шиори остида ўтадиган Ўзбекистон ҳафталигининг очилиш маросимида иштирок этади. Унинг Франция амалий доиралари, етакчи банкларининг вакиллари билан учрашувлари ҳам бўлади.

Пойтахт аэропортида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Парижга учиб кетиш олдидан журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва делегация аъзоларини Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган маҳсулотларнинг қабул қилинган сертификатлар талабларига жавоб бериши масалаларига бағишланган республика семинари ўтказилди. Унда «Ўздавлатстандарт», божхона бошқармаларининг раҳбарлари, маҳсулотларни экспертиза ва сертификация қилиш бўйича илмий-техник маркази ходимлари иштирок этишди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотлар сифати муаммолари ҳақида «Ўздавлатстандарт»нинг техника сиёсати бўлими бошлиғи Геннадий Климушин сўзга чиқди.

Республика пахта саноати илмий маркази қошидаги «Сифат» бошқармасининг бошлиғи Валерий Устюгин ўз сўзида ўзбек пахтасининг бугунги кундаги моҳияти ҳақида гапирди.

Семинарда сертификатларни қайд этиш ва топшириш ҳамда кириб келаётган ва чиқиб кетаётган маҳсулотларнинг тартибини белгилаш, жаҳон миқёсида қабул қилинган код белгилари, унинг технологияси ҳамда масъул ташкилотларнинг қилаётган ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланиб, фикрлар алмашилди.

— Семинарни ўтказишдан мақсад, — дейди ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э. Ғаниев, — жойларда маҳсулотларнинг сифатига жиддий эътиборни қаратиб, жаҳон андозалари сертификати тушунчаларини тарғиб этишдир. Бундан кейин маҳсулот сифатига жиддий эътибор қаратишимиз керак, деб ўйлайман.

Эътибор ЗОҲИДОВА,
Гулчеҳра МУРОДОВА.

МАҲАЛЛА ЖАМҒАРМАСИДАН

Акмал Икромов туманидаги Хайратий маҳалласида шу кунларда ёшу қари кўча ва майдонларни тозалаб, тегишли тартибга келтириш учун ўз ҳиссаларини қўшдилар. Маҳалла ҳудудидаги ариқлар тозаланди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Маҳаллада 50 дан ортиқ кам таъминланган ёлғиз кексалар, ногиронлар бор. Маҳалла аҳли уларга алоҳида ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатмоқда. Маҳалла жамғармасидан ёрдам пули мунтазам ажратиляпти.

Мажид ҲОШИМОВ.

1996 йил — Амир Темур йили

САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИ

Ҳамма жойда бўлгани каби Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тайёрлов милиция мактабида ҳам Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган маърифий ҳафталик ниҳоясига етди. Ҳафталик давомида Ўзбекистон Республикаси «Ёдгорлик» жамиятининг раиси Нуриддин Муҳиддинов билан, бир гуруҳ шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Улар Амир Темур ҳақида сўзлаб, соҳибқиронинг тарихимизда тутган ўрни, буюк давлатчилик сиёсати, яратувчилик фазилатлари ҳақида ҳикоя қилдилар ва янги шеърлардан ўқидилар. Марказий Осиё халқлари мақомчилар танловининг ғолиби, хушовоз хонанда Соиб Ниёзов мумтоз қўшиқлардан ижро этиб, талабаларни хушнуд этди. Ҳафтанинг якунловчи кунида мактаб жамоатчилиги томонидан соҳибқирон ҳаётидан олинган театрлаштирилган саҳналар намойиш этилди.

— Ушбу тадбир, — дейди тайёрлов милиция мактаби бошлиғи, милиция подполковниги Абдурашид Шодиев, — толибларимизда ўтмишимизга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат, мустақиллигимизга садоқат ҳисларини уйғотишига шубҳамиз йўқ.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

МАДАНИЙ МЕРОСГА ҒАМХЎРЛИК

Ҳозирги даврда мусиқа ва санъат мактабларида ҳам ўқув дастурларини қайтадан кўриб чиқиш зарурати туғилди. Шу сабабли яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот маркази мутахассислари томонидан болалар мусиқа ва санъат мактабларининг янги Низоми ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ушбу Низом ва ўқув дастурларининг асосий эътиборли томони шундаки, уларда миллий мусиқа ва маданий меросимизни чуқур ўргатишга катта эътибор қаратилган. Шунингдек, ўқитувчилар жамоаси фаолиятини кучайтириш ва рағбатлантириш, мактаблардаги ички тартиб-интизомни кучайтириш, дарсга келмаган ўқувчилар ҳисобига бажарилмай қолган педагогик соатлар муаммоси, соатбай меҳнат ҳақи олиб ишлаётган ўқитувчиларнинг таътил масаласи, кўрик-танловлар ўтказиш ва ечими кутилаётган бошқа муаммоларни ҳал этиш юзасидан керакли тавсиялар ўз аксини топган. Мазкур янги Низом ва ўқув дастурини тузишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларни меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ҳуқуқий асос бўлди.

Гулмира МУСАЕВА.

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

Қурилиш майдонларида

ЯНА БИР МУҲТАШАМ БИНО

Шаҳримиздаги кўплаб қурилишларда яна бунёдкорлик ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Бу гап Аҳмад Дониш кўчаси билан Абдулла Қодирий кўчасининг кесишган қисми бурчагида жойлашган бинога ҳам тааллуқли. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг Тошкент бўлимига қарашли бу бино яқин вақт ичида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

— 12-трестга қарашли 49-қурилиш бошқармамиз бу бинони қуришга киришганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди иш юритувчи Бобонур Мирзаев. — Асосий иш йил бошида бошланди. Мустақиллигимизнинг беш йиллиги шарафига мана шу бинони совға тариқасида қуриб битказамиз. Унинг лойиҳаси ҳам жуда кўркам бўлиб, «Тошгипрогор»нинг моҳир лойиҳачиси Собир Одилов раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан тавсия этилган. Бино доира шаклида, ойнаванд, худди хориждаги банк биноларига ўхшаган бўлади.

Қурилиш ишларида К. Ҳамидов, А. Голубев, С. Икромов ва В. Пискоха бошчилигидаги бригадалар меҳнат қилишмоқда.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

Обуна — йил бўйи

«ОҚШОМ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Шу кунларда «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига келаётган мактубларда муштарийларимиз ўзлари севган бу нашрга йил бўйи обунани расмийлаштириш имконияти яратилганлигидан мамнун эканликларини изҳор этишмоқда.

— Бу айни муддаодир, — дейди ўз хатида уй бекаси Нафиса Жалилова, — чунки ҳозирги шароитда ҳар бир оила ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўзи севган у ёки бу нашрга маълум бир муддатга обуна бўлиши мумкин-да. Шу жиҳатдан олганда «Тошкент оқшоми» газетасига йил бўйи обунани расмийлаштириш имконияти яратилганлиги биз каби кўп болали оилаларга қулайлик ва яхши мададдир. Шу ҳақдаги хабарни ўқигач ўзимиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига яна уч ой учун обуна бўлдик. Демак, «Оқшом» яна бизнинг оиламизнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолаверади...

Дарҳақиқат, муштарийимиз таъкидлаганидек, ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетаси оилангизнинг доимий ҳамроҳи бўлишини истасангиз, шаҳримизнинг хоҳлаган алоқа бўлимига кириб, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқади. Агар обуна масаласида бирорта муаммо туғилгудек бўлса Сиз «Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонасига — 33-47-49 рақамли телефонга, ёхуд «Тошкент оқшоми» таҳририятига — 33-29-70 рақамли телефонга мурожаат қилинг. Газетани эълтиб бериш масаласида эса ўзингиз истиқомат қиладиган жойдаги почта бўлимларига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

«Тошкент оқшоми» газетасининг обуна нархи:

	Уйга етказиб бериш	Абонент қутисига етказиш
● Бир ойга	— 64 сўм	54 сўм
● Уч ойга	— 192 сўм	162 сўм
● Ярим йилга	— 384 сўм	324 сўм

«Тошкент оқшоми» газетасининг индекси — 64690.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш иш тажрибаси»га бағишланган шаҳар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда шаҳар ва туманлардаги халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, мактаб директорлари, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти услубчилари ва илғор ўқитувчилар қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошевнинг кириш сўзидан сўнг шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Шомухтор Шомансуров «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси бўйича қабул қилинган қонунни шаҳар ўқув муассасаларида тадбиқ қилиш тажрибаси» мавзуида маъруза қилди. У ўз маърузасида мактабларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтилиши, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва чиқарилаётган услубий қўлланмаларга кенг тўхталди.

— Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш бўйича тайёргарлик ишлари икки йилдан бери давом этмоқда, — деди Шомухтор Шомансуров. — Бугунги илмий анжуманда ана шу қонунни амалда тадбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, ютуқлар, камчиликлар, муаммоларни ўзаро амалий ҳал этишимиз керак. Бинобарин бевосита мулоқот дастлабки қадамларимизда қўлга киритилган маълум ютуқлар қаторида бир қатор камчиликлар бор эканини ҳам кўрсатди. Энди уни иш давомида бартараф этиш имкониятига эга бўламиз.

Тошкент Давлат педагогика институти филология факультети декани, профессор Низомиддин Маҳмудов «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»га киритилган янги ўзгаришлар ва алифбонинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни ҳақида гапирди. Янги алифбо ўқитилишида мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам тариқасида ўзлари ижод этган турли услубий қўлланма ва кўргазмали қуроллар намойиши кўпчиликни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, анжуман иштирокчилари шаҳримизнинг 11 туманидаги илғор ўқитувчилари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш юзасидан ўзларининг ишлаб чиққан дарс ишланмаларини намойиш этдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов қатнашди.

Дония ЗОКИРОВА.

Футбол

ОҚ ЙЎЛ, БЕШИНЧИ ЧЕМПИОНАТ!

Шанба куни Марказий армия спорт клуби стадиони ва унинг атрофи куннинг биринчи ярмидаёқ ҳақиқий байрамона тус олди. Метро ва бошқа транспорт воситаларида етиб келган юзлаб, минглаб одамлар оқими стадион томонга йўналганди. Мирзо Улуғбек хиёбони ёнидаги майдончага турнақатор келиб тўхтаётган автобусларнинг сони тобора кўпайиб борарди.

— Сергелидан 12 та махсус автобусда ишқибозлар етиб келишди, — дейди Жалолиддин Мусамуҳамедов. — Ўз шахсий авто уловлари ва жамоат транспортида келганлар ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади.

Карнай-сурнайларнинг оҳанги ҳаммани ўйингоҳга чорлайди.

Соат 15 дан 30 дақиқа ўтганда яшил майдонга бир текисда саф тортиб, тантанали мусиқа садолари остида ҳарбий оркестр кириб келади. Сўнгра стадион узра футболни мадҳ этувчи янги қўшиқлар янгради. Яна саноқли дақиқалардан сўнг 5-миллий чемпионат байроғини тантанали кўтариш маросими бошланади («Пахтакор» марказий стадионида таъмирлаш ишлари бораётганлиги сабабли чемпионатнинг очилиш маросими ушбу ўйингоҳда ўтказилди).

Бу йилги миллий чемпионат ўзбек футболини янада юксак мавқега кўтариш учун кенг қамровли саъй-ҳаракатлар билан бошланаётганлиги айниқса қувонарлидир. Бу ишга шахсан Президентимиз бош-қош бўлаётганлиги футболчилар ва барча мухлисларга ўзгача кўтаринкилик бахш этмоқда. Шунинг учун стадионда фақатгина ҳамшаҳарларимиз эмас, балки республикамизнинг турли вилоятларидан етиб келган мухлисларни ҳам кўплаб учратиш мумкин эди.

— Мен азалдан «Пахтакор» ва «Динамо»га ишқибозман, — дейди самарқандлик Шавкат Зияддинов. — Ўзим ТошДУ журналистика факультетининг сиртқи бўлимида ўқийман. Биласизми, бугун имтиҳонимиз бор эди. Энг биринчи бўлиб топширдим-у стадионга югурдим. Ўйинни бевосита стадионнинг ўзида кўраётганлигимдан бахтиёрман.

Тантанали маросим аввалида ўтган йилнинг энг яхши спорт журналистларига Геннадий Красницкий ва Роман Турпишев номидаги махсус совринлар топширилди. «Спорт» газетаси муҳаррирининг ўринбосари Комилжон Жумаев, Ўзбекистон телевидениесининг спорт шарҳловчиси Мирзаҳаким Тўхтамирзаев ва «Туркистон» газетасининг суратқашмухбири Алимурод Мамадаминовларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов, республика футбол федерациясининг президенти Зокир Алматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановлар топширдилар. Сўнгра Зокир Алматов қисқача кириш сўзи билан бешинчи миллий чемпионатни очиқ деб эълон қилди. «Пахтакор» ва Самарқанднинг «Динамо» командаларининг сардорлари — Улуғбек Рўзимов ҳамда Ҳамза Жабборовлар миллий чемпионат байроғини кўтардилар. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Сўнг бешинчи миллий чемпионат белгиси туширилиб, «Апрель — 1996» деб ёзилган улкан ҳаво шари тантанали мусиқа садолари остида осмонга кўтарилди.

«Пахтакор» ва «Динамо» командалари яшил майдонга чиққанларида бутун стадион олқишдан ларзага келгандек бўлди. Ўйиннинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади.

Узоқ кутилган биринчи ўйин — доимо байрам. Шунинг учун учрашув тафсилотларидан кўра, байрам шодиёналари таассуротларини сўзлаш кўнгиллидир. Ўйин мезбонларнинг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб — 2:1. Тўпларни Дилмурод Назаров, Равшан Бозоров («Пахтакор») ва Ҳамза Жабборов («Динамо»)лар киритишди.

Беҳзод ЭГАМОВ.

СУРАТЛАРДА: миллий чемпионат учрашувидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Спортимиз юлдузлари

ОФАРИН, АРТУР!

Футбол бўйича 5-миллий чемпионатнинг очилиш маросимига тўпланган спорт мухлислари яна бир хушхабар, тантананинг гувоҳи бўлдилар. Аввал маълум қилганимиздек, яқинда Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳамюртимиз Артур Григорьян ўзбек бокси тарихида биринчи марта профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳон чемпиони Артур Григорьянга махсус табриконма йўллади. Бу табрикни Президентнинг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев ўқиб эшиттирди ва Артурга давлатимиз раҳбари номидан махсус совғаларни тантанали равишда топширди. Стадиондаги минглаб мухлисларнинг гулдурос олқишлари остида ҳаяжонланган жаҳон чемпиони юксак эътибор учун миннатдорчилик билдириб, ушбу ғалабасини мустақиллигимизнинг 5 йиллигига ва Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаганлигини айтди.

СУРАТДА: жаҳон чемпиони Артур Григорьянга республикамиз Президентининг махсус совғаларини топшириш пайти.

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

Энг афзали — тотувлик

ДЎСТ ҚИДИР, ДЎСТ ТОП ЖАҲОНДА...

Шарқнинг буюк аллома шоири Абу Абдулло Рудакийнинг ушбу байти барча замонларда ҳам, турфа тилларда ҳам бир хил жаранглайди:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун —
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Ҳа, дарҳақиқат «Дўстлик» сўзи худди «Ватан», «Она» сўзлари каби муқаддас тушунчалардан биридир. Яқинда Ҳамза туманидаги «Дўстлик» клуби томонидан уюштирилиб, «Наврўз, Ёшлик, Дўстлик» деб номланган ёшлар фестивали қатнашчилари юқоридаги байтнинг буюк мазмунини яна бир бор чуқур ҳис этдилар.

Ушбу дўстлик анжумани баҳор, Наврўз қувончларига янада кўтаринкилик бахш этди. «Дўстлик» клубининг раҳбари Алима Қурбонбоева ўзининг ва клубнинг олийжаноб вазифалари ҳақида шундай дейди:

— Мақсадимиз — ўқувчи ёшлар ўртасида дўстликни тарғибот қилиш, уларга миллий урф-одатларимизни ўргатиш, бирон-бир касбга йўналтиришдан иборатдир. Клубимиз Республикамиз мустақилликка эришган 1991 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозир биз маркази Россиянинг Ковров шаҳрида жойлашган Халқаро дўстлик клублари уюшмасининг аъзоси ҳисобланамиз. Ҳамдўстлик мамлакатларининг қарийб барчасида, шунингдек Америка, Германия, Франция, Туркия ва бошқа кўпгина ривожланган давлатларда дўстларимиз бор.

«Дўстлик» клуби фаолиятида талаба ёшлар ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари фаол қатнашмоқдалар. Клуб уларни нимаси билан ўзига жалб этди. Биз ушбу саволга клуб аъзолари билан суҳбатлашиб ва бу ерга келган хатлар билан танишиб, етарли жавобларни олдик.

— Тўғрисини айтсам, «Дўстлик» клуби менинг ҳаётимни ижобий томонга ўзгартирди, — дейди Отабек Сайдазов. — Мен унга аъзо бўлганимдан буён нафақат республикамиздан, балки МДҲ ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан ҳам дўстлар орттирдим. Дўстлик мен учун ҳамма нарсадан қимматлироқдир.

ТошДУ талабаси Дурдона Вакилова клуб ҳақидаги фикрларини шундай ифодалади:

— Клубимиз доимо ёшлар билан гавжум. Биз бу ерда дунёқарашимизни бойитадиган, келгуси ҳаётимизда асқотадиган ранг-баранг дастурлар билан шуғулланамиз. Тенгдошларимиз ўз вақтларини бекор кетказмасдан шу клубда шуғулланаётганликларидан жуда хурсандлар.

— Менинг учун нақадар азиз ва меҳрибон бўлиб қолган «Дўстлик» клубига қатнаша бошлаганимга ҳам беш йил бўлибди. Дўстлик кучи мўъжизалар яратишига ишонаман! — Бу клуб аъзоси Алишер Ражабовнинг дил сўзларидир.

Клуб аъзолари ўтган йилларда Россия, Беларус, Латвия, Арманистон ва бошқа давлатларда ўтказилган дўстлик фестивалларида қатнашган эдилар. 1994 йилда шаҳримизда ўтказилган «Наврўз» фестивалида эса МДҲ ва хорижий мамлакатлардан 23 та делегация келиб, катта дўстлик байрамидан оламолам таассуротлар билан қайтган эдилар.

Мана, бу йилги анжуман ҳам яна юртимизда ёшариш, гўзаллик фасли бўлган баҳор айёмига тўғри келди. Ҳамма ёқда байрам нафаси. Фестивал қатнашчилари шаҳримиздаги мактаб ва ўқув юртларида бўлишиб, тенгдошларининг ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Жумладан, Ҳамза туманидаги Абдулла Қодирий номли 198-мактаб жамоаси меҳмонларни карнай-сурнай ва ноғораларнинг тантанали садолари остида кутиб олди. Ўзбекона меҳмоннавозликнинг барча удум-қоидаларига асосан, тўкин дастурхон ёзилди. Деворларга осилган чўғдек қип-қизил миллий сўзаналар ҳам меҳмонларнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлди.. Мактаб ўқувчилари мусиқали байрам дастурини намойиш этдилар. Шўх миллий мусиқалар меҳмонларни ҳам даврага чорлади...

— Ўзбекистонлик йигит-қизлар Россия шаҳарларида ўтказилган дўстлик фестивалларида ўзларининг қувноқликлари, билим ва санъатлари билан барчада катта таассурот қолдиргандилар, — дейди волгоградлик Наталья Покусова. — Мана биз ҳам бу меҳмондўст ўлкага келиб, дўстлигимизнинг кучи, меҳри нақадар юқори ҳароратли эканлигини ҳис этяпмиз. Бу табиий ва самимий дўстлик баъзи бир калтабин сиёсатдонларнинг «юқоридан» туриб кучайтириш ва яқинлаштиришига муҳтож эмас. Мен Россия Давлат думасидаги коммунистларнинг собиқ СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарорларини назарда тутяпман. Коммунистларнинг ушбу калтабинларча қарорини биз, россияликлар ҳам кескин қоралаймиз.

Фестивал иштирокчилари жаҳоннинг сайқали ҳисобланган Самарқанд шаҳрида ҳам бўлдилар. Эртаклардагидек тўкин-сочинлиги билан етти иқлима машҳур бўлган Самарқанд бозорлари, маҳобатли ва бетакрор тарихий обидалар меҳмонларда бир олам таассурот қолдирди. Россия ва беларуслик ёшлар буюк соҳибқирон Амир Темур, у яратган боғлар ва иморатлар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлдилар. Мезбонлар айниқса, самарқандлик ёшлар ўз шаҳарларининг диққатга сазовор тарихий жойлари билан таништиришда чуқур билимларини намойиш этдилар. Дўстлик фестивалининг қатнашчилари кўплаб ўқув ва кўргазма марказларида бўлиб учрашувлар, қизиқарли дўстона ўйинлар ўтказдилар. Ҳаммалари жуда кўп дўстлар орттиришди. Ён дафтарчалари янги қадрдонларининг исм-шарифи ва манзилгоҳлари ёзилган битикларга тўлиб кетди. Шунингдек, бир-бирлари билан эсдалик совғалари алмашдилар.

— Ушбу фестивални ҳаётимдаги энг катта воқеалардан бири деб ҳисоблайман, — дейди самарқандлик Шоҳиста Мусаева. — Жуда кўп янги дўстлар топдим. Янги ғоялар ҳам туғилди. Ўзим Самарқанд кооператив институтида ўқийман. Келажакда яхши мутахассис бўлишим учун бугунги режалар ва дўстлигимиз ҳам катта ёрдам беради деб ўйлайман.

Ёшлик, баҳор ва дўстлик фестивали катта муваффақият билан юксак ташкилий савияда ўтди. Бугунги шароитда бундай тадбир албатта саъй-ҳаракатлар ва маблағ талаб этади. Шу хусусдаги саволимизга Алима Қурбонбоева чуқур миннатдорлик билан шундай деди:

— Биз бу борада Ҳамза тумани ҳокимлигидан жуда миннатдормиз. Чунки ўтган беш йил давомида ҳам улар бизни доимо қўллаб-қувватлаб, қўлларидан келган ёрдамларини аямадилар. Тадбирларимизни ўтказишда туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ҳам яқиндан кўмак берди.

Беш кун давом этган дўстлик байрамида тенгдошлар бир-бирларига шунчалик боғланиб, ўрганиб қолишдики, ниҳоят, хайрлашиш жуда оғир бўлди. Мамлакати, миллатидан қатъи назар, уларни ДЎСТЛИК бирлаштирди. Ҳаммаларининг ён дафтарларида янги манзилгоҳлар билан бирга ўзбек тилидаги «Дўстлик» сўзи ҳам пайдо бўлди. Янги дўстлар бир-бирларини унутмасликка, ўзаро алоқаларни давом эттириш ва албатта, яна ҳаммалари тўпланиб, дийдор кўришишга қарор қилдилар.

Биз ҳам уларнинг ниятларини қувватлаб, сўзимизни шоирнинг ушбу сатрлари билан тугатмоқчимиз:

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда
Дўстинг юз минг бўлса— оз.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

«Сифат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлган 75-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари шаҳримиздаги кўплаб қурилаётган уйларга ўз ҳиссаларини қўшишаётир. Улар бош пудратчилик қилган баланд қаватли уйлар тўлиқ топширилгунга қадар назоратлари остида бўлади. Бу жамоада кўп йилдан бери меҳнат қилиб келаётган қурувчиларнинг борлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

СУРАТДА: *илғор тикловчилардан Жаббор Бобожонов ва Илья Кимлар келган қоришмаларни текислашмоқда.*

Рустам Шарипов олган сурат.

Келажагимиз — мактабда

ИНТИЛУВЧАН «ИСТИҚБОЛ»

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари ва мутахассислари «Истиқбол» уюшмасининг қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев очиб, республика мактабларининг 52 фоизи компьютерлашгани, келгусида иложи борича халқ таълими тизимини янада тўла компьютерлаштирилиши масалалари ҳақида тўхталди, шунингдек, компьютердан универсал восита сифатида унумли фойдаланиш, айниқса иқтисодий масалаларга қўллашни бугунги куннинг муҳим масаласи эканлигини таъкидлади.

Қурултойда таълимда ТЕСТ услубининг қўлланилиши мактабда компьютерлардан фойдаланиш аҳамиятини оширди. МДҲ давлатлари орасида VIII-IX синфларда компьютер таълими намунали асосда йўлга қўйилгани ва дарсликлар яратилгани учун уюшма аъзоларига вазирликнинг махсус мукофотлари топширилди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулов компьютерлаштиришнинг бугунги кундаги долзарб масалалари ҳақида тўхталиб ўтди. Янги ахборот технологияларини халқ таълимига жорий этишнинг босқичларини илмий таҳлил этиб, бу борадаги келгусидаги вазифалар дастурини баён қилди.

«Истиқбол» уюшмаси бажарган ишлар ҳақида уюшма директори Т. Ҳайдаров ҳисобот берди. У ҳисобот даврида яратилган дастур, китоб, дарсликлар, уларнинг халқ таълими тизимида қўлланилиши, педагогика билим юртларида кириш имтиҳонларини тестлаштириш борасидаги уюшма бажариши лозим бўлган ишлар ҳақида тўхталди.

Қурултойда қўшни Қозоғистоннинг Чимкент вилояти билим департаменти услубчилари қатнашди.

Бахтиёр КАРИМОВ.

Ажаб савдолар

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Ушбу сатрлар ёзилишига туртки бўлган сабабни ўзимиз шоҳиди бўлган бир мисолдан бошламоқчимиз.

Юнусободнинг 15-мавзеси ва «Чорсу» меҳмонхонаси йўналиши бўйлаб қатновчи 91-автобусга эрталабки соат саккизда охирги бекатдан ўтирдик. Машина салони бир зумда йўловчилар билан тўлди. Ҳайдовчи кабинага ўрнашиб олгач овознигорни қўлига олиб: «Ҳурматли йўловчилар, автобус назоратчисиз ишлаяпти. Бекатларда тушадиганлар чипта пулини тайёрлаб, олдинга ўтиб туришсин», деб одамларни огоҳлантирди.

— Нега орқа эшикни очмас экансан, очасан.

— Назоратчи олиб юрсанг бир нарса бўласанми, — деган дўрилдоқ овозлар эшитилди бир зумда чекка-чеккадан.

Шундай гап-сўз билан машина йўлга тушди. Ҳар бекатда тўхтаганида салондагилар «Орқа эшикни очасан» дея бақиришарди. Ҳайдовчи ночор орқа эшикларни ҳам очади. Ундан гувиллаб тушган 15—20 чоғли одамдан битта-яримта инсофлиги чипта пули тўламаса, қолганлари жуфтакни ростлашади.

— Ҳой оғайнилар, инсоф қилинглар, менда ҳам режа бор, — дея уларнинг орқасидан нолиб қолаверади ҳайдовчи.

Охирги «Чорсу» бекатига етганда яна ҳам антиқа воқеа юз берди. Олдинги эшикдан бирма-бир чипта пули тўлаб тушаётганлар орасида келаётган икки йигит индамай автобусдан тушиб кетишди. Улар ҳайдовчининг: «Сизлар чипта олмайсизларми?» деган саволига ҳиринглаб: «Йўқ, биз нафақахўрлармиз» дея жавоб беришиб, йўлларида давом этишди. Ҳайдовчи ўзини тутиб туролмай йигитларнинг орқасидан югурди. Етиб олиб биттасининг бошидан қалпоғини юлиб олди.

— Яхшиликча буёққа чўз қалпоқни, — ўдағайлади йигит.

— Овора бўлма, чипта олмасанг бермайман.

Бўлди жанжал... Хуллас, шу куни тахминий ҳисобимизга кўра йўл-йўлакай автобусга чиққан йўловчиларнинг 40 фоизи чипта олмади. Агар улар орасида ноқонуний гувоҳномалардан бемалол фойдаланаётганлари ҳам борлигини назарда тутадиган бўлсак, бу миқдор яна осмонга сакраши табиий. Албатта бу бир автобусда бўлаётган ҳангома.

Энди бир ўйлаб кўринг. Ахир бир кунда шаҳримиз аҳолисига қанча автобус, трамвай, троллейбус хизмат кўрсатади. Ана энди бу фикрдан қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Тўғри ёнилғи, эҳтиёт қисм ва бошқа хизмат турлари учун бўладиган сарф-харажатлар ҳам бор бу ўртада. Ҳатто баъзи нопок ҳайдовчиларнинг қилмишларидан ҳам кўз юммай қўя қолайлик. Лекин асосий сабабни барибир кўпроқ ўзимиздан қидиришга тўғри келади.

Яқинда шаҳар йўловчи транспортида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказган рейдимизда ҳам бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

«Ўрда» бекатига келиб тўхтаган 10-йўналиш бўйлаб қатновчи троллейбусдан 15 чоғли одам тушди. Текширсак уларнинг бештаси чиптасиз. Шундан икки киши сохта гувоҳномадан фойдаланган. Башанг кийинган ўрта ёшли кишидан сўраймиз:

— Нега чипта олмадингиз?

— Шошилиб турувдим.

— Жарима тўлайсиз.

— Бир галча кечиринглар.

У қанча ялинмасин жарима тўлашга мажбур бўлди.

Йўловчи Маҳамад Иброҳимовдан чипта ҳақини сўраганимизда у бизга гувоҳномасини кўрсатди.

— Бу қанақа гувоҳнома?

— Э, укалар, илгари мен юқори лавозимларда ишлаганман. Бу ўша гувоҳномам. Шу ҳурматдан чипта олмайман.

Ажабо. Собиқ Иттифоқ замонида пахта уруғчилиги ишлаб чиқариш бирлашмаси деган ташкилотда назорат тафтиш гуруҳига раҳбарлик қилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг транспортга қандай алоқаси бўлсин? Қарангки, у кишининг айтишича ҳайдовчилар шу гувоҳномани кўриши билан ундан ҳеч қачон чипта пули талаб қилмас эканлар. Йўқ, бу сафар бунақаси кетмади.

«Тўқимачилик комбинати» бекатида трамвайдан тушаётган йўловчиларнинг чиптасини текшира бошладик.

— Синглим, чиптангизни кўрсатиб юборинг.

— Вой, нима деганингиз, мен талабаман-ку. ТошДУда ўқийман.

— Гувоҳномангиз қани?

— Уйда қолиб кетибди.

Кейин билсак ўзини Машкура Қодирова деб таништирган бу аёл «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида ишлар экан. Трамвайнинг олдинги эшигидан тушган Майрам Зулфиқоров эса «Ўзмашсаноат» уюшмаси берган гувоҳномадан фойдаланиб юрибди.

«Ишчилар шаҳарчаси» бекати ҳамиша йўловчилар билан гавжум. Бу ерга келиб кетувчи транспортларнинг кети узилмайди. 97-йўналиш бўйлаб қатновчи автобусдан тушаётган йўловчилар чипталарини кўздан кечирдик. Бекатда машинадан тушган 21 кишидан 10 таси чипта олибди. 7 йўловчи транспортда бепул «юрувчилар» тоифасига мансуб. Тўрт кишининг гувоҳномаси бор. Ундан биттаси сохта. Қизил галстук тақиб, устига қимматбаҳо чарм пальто кийиб олган йигитга мурожаат қилдик.

— Сиз нега чипта олмадингиз?

— Мен умуман чипта олмайман.

— Нега, бирор сабаб борми?

— Ҳеч қанақа сабаби йўқ. Чидасангиз шу.

— Жарима тўлайсиз.

Шу талабни эшитган йигит шунақанги қочдики, унга ҳар қандай спортчининг ҳам етиб олиши амри маҳол эди.

Шу ерда йўловчи Саодат Каримовани суҳбатга тортдик.

— Ҳайрон бўлманглар, — деди у, — ҳозир бунақа йўлкира ҳақини тўламайдиган кимсалар кўпайиб қолишган. Яна улар ўйламай-нетмай кўзингизга тик қараб туришаверишади, оғзига келганини валдирайверишади. Яна бир хил тоифалар борки, улар ҳамиша сохта гувоҳномаларини рўкач қилишгани қилишган. Ё тавба, бу гувоҳномаларни йиғиб олиш шунчалик қийинмикан-а?

Чиндан ҳам рейдимиз давомида Саодат опанинг сўзларига ишонч ҳосил қилдик. Йўловчилар қўлидаги ойлик чипталар ёки гувоҳномаларни фақат синчиклаб текширган мутахассисигина унинг ҳақиқий ёки сохталигини фарқлай олиши мумкин. Йўловчилар В. Шаркулов, А. Видовин, В. Шадрин, М. Исмоғилова, Т. Суннатуллаевлар қўлларидаги чипта ва гувоҳномалар мана шунақа қалбаки бўлиб чиқди. Акбар Маъдиев, Зинаида Палицина, Муҳайё Низомова, Темур Йўлдошев (бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин) ишхоналардан берилган ҳужжатлардан транспортда бепул юриш учун фойдаланиб юришибди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш муҳим вазифалардан биридир. Лекин қарс икки қўлдан чиқишини йўловчилар ҳам зинҳор-базинҳор унутмасликлари керак-да!

Усмон МУҲАМЕДОВ,
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Долзарб мавзуда

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ҚАЙ ЙЎСИНДА ТЎЛАНАДИ?

Узбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» шу йил 4 март ва «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги 18 мартда қабул қилган фармонларига мувофиқ Узбекистон Республикаси Ижтимоий-таъминот вазирлиги турли хил тўловлар, шунингдек пенсия ва нафақалар миқдорларини янгитдан белгилаш тартибини кўриб чиқди. Пенсия ва нафақалар қай йўсинда ва қандай миқдорда тўланади? Пенсияларга илгари белгиланган қўшимчалар сақланиб қоладими? Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижтимоий-таъминот бошқармаси мутахассиси Аҳида Умурзоқовадан биз юқоридаги ва бошқа саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Янги қоидага кўра энг кам пенсия миқдори — 900 сўм, иш ҳақи миқдори — 400 сўм қилиб белгиланган. 1 апрелдан бошлаб пенсия ва нафақалар миқдори шундан келиб чиққан ҳолда белгиланади, — дейди А. Умурзоқова. — Агар пенсионер 1996 йил 1 апрелгача пенсиянинг энг кам миқдорини (яъни 645 сўм) олган бўлса, эндиликда 1 апрелдан бошлаб унинг миқдори 900 сўмгача оширилади. Бу қоида 25 йил иш стажига (аёллар учун — 20 йил) эга бўлганлар учун сақлаб қолинади. Пенсия миқдори қўшимча меҳнат стажига қараб маълум даражада оширилади. Масалан, агар пенсионернинг умумий иш стажи 38 йилни ташкил эттани ҳолда, унинг ўртача иш ҳақи 1 минг сўм бўлса, унга 1 апрелдан пенсия қуйидагича ҳисобланади: пенсионер аёлнинг асосий иш стажи 20 йилдан иборат. Демак унинг 18 йил қўшимча стажи бор. Агар пенсия ўртача иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида (илгаригидек) ҳисобланадиган бўлса, бу 550 сўм бўлади. Бу эса 1 апрелдан белгиланган энг кам пенсия миқдоридан анча кам. Шунинг учун пенсиянинг энг кам миқдори — 900 сўмга биз унинг ўртача иш ҳақининг 18 фоизини қўшамиз (яъни ҳар бир ортиқча йил иш стажи учун 1 фоиз), бу 180 сўмга тенгдир. Демак, пенсия миқдори 1080 сўм (900 сўм + 180 сўм)ни ташкил қилади.

Агар пенсионер — кўп болали она пенсияга 50 ёшдан чиққан бўлиб, унинг иш стажи 22 йил, ўртача иш ҳақи 200 сўм бўлиб, 1996 йил 1 апрелгача унинг пенсияси 645 сўмни ташкил этган бўлса ҳозир бу пенсия янги энг кам пенсия — 900 сўм ҳисобидан белгиланади. Чунки пенсионернинг ўртача иш ҳақи жуда кам бўлган. У кўп болали она сифатида 7 йил қўшимча иш стажига эга (кўп болали оналар учун талаб қилинадиган иш стажи 15 йил). Бунинг учун 28 сўмдан тўланади (7х4) ва пенсиянинг умумий миқдори 928 сўмни ташкил қилади.

— Пенсияларнинг янги миқдорларини белгилашда айрим тоифадаги пенсионерларга қўшиладиган устамалар сақлаб қолинадими? Улар қандай усулда аниқланади?

— Пенсияларни қайта ҳисоблашда асосий пенсиянинг ошган миқдори ва устаманинг ошган миқдори алоҳида ҳисобга олинади. Масалан, уруш иштирокчиси бўлган пенсионер 1 апрелгача 950 сўм пенсия олган бўлиб, унинг 125 сўми урушда иштирок этгани учун қўшиб берилган (аввалги энг кам иш ҳақи — 250 сўмнинг 50 фоизи) бўлса, 1 апрелдан бошлаб унинг асосий пенсиясининг миқдори 1 минг 155 сўмни ташкил этади (825х1,4). Умумий пенсия миқдори — 1355 сўм (1155+200 сўм — янги энг кам иш ҳақининг 50 фоизи).

Агар мазкур пенсионер, мисол учун хизмат кўрсатган маориф ходими бўлса, унга унвони учун энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида устама қўшилади, яъни 240 сўм (400х60 фоиз = 240). Демак, уруш иштирокчиси бўлган бу пенсионернинг янги пенсиясининг умумий миқдори 1595 сўмни ташкил этади (1155 — асосий пенсияси, 200 — уруш иштирокчиси бўлгани учун, 240 — унвони учун қўшимча).

— Иш ҳақи, шунингдек пенсияларнинг ошиши муносабати билан ишлаётган пенсионерлар тўғрисидаги низомга қандай ўзгаришлар киритилди?

— Шу йил 1 апрелдан бошлаб пенсияларни иш жойида ўз вақтида тўлашни таъминлаш мақсадида корхона ёки муассасалар маъмурияти яшаш жойларидаги туман ижтимоий-таъминот бўлимларига пенсия иши ҳужжатлари бўйича пенсиянинг янги миқдорини ҳисоблашда пенсионерларнинг пенсиясига қўшимча стаж ёки бошқа хил қўшимчаларни қўшишни ҳисобга олиш учун далолатнома топширишлари керак.

Шу ерда ишлаётган пенсионерлар тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритилганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Агар пенсионер 50 фоиз миқдорида пенсия олиб ишлаётган бўлса, агар у 2 ой вақтинча тўлиқ миқдорда пенсия олмоқчи бўлса, у ҳолда мазкур корхона маъмурияти пенсионер билан муддатли шартнома (контракт) тузиши ёки уни 2 ойлик ишга ўтказганлиги тўғрисида буйруқ (фармойиш) бериши керак. Бунда доимий ва вақтинчалик иш орасида у ёки бу узилишлар бўлиши шарт эмас. Икки ой ўтгандан сўнг пенсионер ўзининг доимий ишига ўтказилади ва у яна 50 фоиз миқдорида пенсия ола бошлайди. Ишлаётган пенсионерга 2 ой мобайнида корхона орқали тўлиқ миқдорда пенсия тўланиши ҳеч қандай тартиб бузилишига кирмайди. Чунончи, пенсионер ўз хоҳиши бўйича, албатта маъмурият билан келишиб пенсияни тўлиқ миқдорда қисман, кетма-кет, масалан, ноябрь-декабрда ва келгуси йилнинг январь-февраль ойларида фақат бир йилда икки ой олиши мумкин.

Агар пенсионер ишламаётган бўлсаю фақат икки ой ишлаш истагини билдирса, бундай ҳолларда туман ижтимоий-таъминот бўлимига уни вақтинча икки ойга ишга қабул қилингани ҳақидаги буйруқ ва шартнома нусхасини топшириши керак. Бундай ҳолларда пенсиялар тўлаш ижтимоий-таъминот идоралари орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, олдинги ва кейинги ҳолларда ҳам пенсионер у идорадан бу идорага сарсон бўлиб юришига ҳожат қолмайди.

— Боқувчисини йўқотганлик учун вояга етмаган болаларга пенсия қайси ҳисобдан ҳисобланади?

— Янги низомга кўра, пенсия миқдори боқувчисини йўқотганда 1996 йил 1 апрелигача олинган пенсиянинг 40 фоиз оширилгани ҳолда белгиланади. Масалан, агар оила 2 нафар вояга етмаган болалар учун 800 сўм олган бўлса, ҳозир эса янги пенсиянинг миқдори 1120 сўмни ташкил этади. Агар болалардан бирортаси апрель ойидан (ёки навбатдагилари) балоғат ёшига етиб, ишга жойлашса, бу ҳолда иккинчи вояга етмаган болага тўланадиган пенсия унинг ярми миқдорида белгиланади. (Болаларнинг умумий сони ҳам ҳисобга олинади, мазкур ҳолда икки нафар) ва у 560 сўмни ташкил этади.

— Болаларга нафақа тўланда ҳам ўзгаришлар рўй бердими?

— Қарорда кўзда тутилганидек, бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида — 160 сўм нафақа тўланади ва боланинг сонига қараб нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдоригача, яъни (турт ва ундан ортиқ болали оилалар) 600 сўмгача оширилади.

Болани икки ёшгача парвариш қилиш учун таътил даврида онага икки йил мобайнида ҳар ойда 600 сўм тўланади (энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида).

Эндиликда бола туғилгунлик учун бир йўла бериладиган нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридан иборат ва у 800 сўмни ташкил этади.

— Меҳнат стажи бўлмаган ногиронлар нафақасида ҳам ўзгаришлар кўзда тутилганми?

— Меҳнат стажи бўлмаган шахсларга тоифалар бўйича қуйидаги тартибда нафақалар белгиланган:

— 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга — 900 сўм;

— меҳнат стажи бўлмаган, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларга — 900 сўм;

— меҳнат стажига эга бўлмаган ёлғиз аёлларга (60 ёшдан) ва эркакларга (65 ёшдан) — 550 сўм.

Бу тоифага мансуб шахслар вафот этган тақдирда, боқувчисини йўқотганлик нафақалари миқдори собиқ боқувчи тоифасидагилар олган 900 сўм ёки шунга ўхшаш 550 сўм миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Меҳнат стажисиз ва III гуруҳ ногиронларга келсак, уларга ногиронлар учун тўланадиган нафақаларнинг аввалги миқдори сақлаб қолинган. Шу жумладан, болаликдан III гуруҳ ногиронларига нафақанинг миқдори 177 сўм (27+150 компенсация тарзида) белгиланган, чунки республика қонунчилигида бу тоифадаги шахсларга нафақа белгилаш умуман кўзда тутилмаган.

Шу ерда тўлиқ иш стажига эга бўлмаган ва ёши етганлиги учун пенсияга чиққан шахслар тўғрисида тўхталиб утишни истар эдик. Уларнинг янги пенсияларнинг миқдори 1,4 марта ошганлигини ҳисобга олган ҳолда 450 сўмдан кам бўлмаслиги керак (яъни, энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан).

— Алоҳида тоифадаги уруш ногиронларининг пенсиялари қандай бўлади?

— Аввалгидек, уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар пенсияларининг миқдори бошқа тоифадаги пенсионерларга нисбатан юқори миқдори белгиланган. Масалан, агар I гуруҳ уруш ногирони 1995 йил 1 сентябрдан 1612 сўм 50 тийин олган бўлса, энди 1996 йил 1 апрелдан унинг пенсияси 2250 сўмни ташкил этади. Унинг 1350 сўми I гуруҳ уруш ногиронининг энг кам пенсияси миқдори бўлса, 900 сўм — парвариш қилганлик учун қўшимча.

Агар II гуруҳ уруш ногиронининг, айтайлик уз қарамоғида балоғатга етмаган боласи бўлса унинг пенсияси миқдори қуйидагича бўлади: асосийси — 1350 сўм ва унга қўшимча 450 сўм (энг кам пенсиянинг 50 фоизи миқдорида қарамоғидаги болага қўшимча) ва унга 225 сўм қўшилади (энг кам пенсиянинг 25 фоизи миқдорида уруш ногирони бўлгани учун қўшимча). Демак, II гуруҳ уруш ногиронининг янги пенсияси миқдори 2025 сўм бўлади.

Чернобил АЭСи ҳалокатини тугатишда иштирок этган фуқаролар ҳам пенсионерларнинг алоҳида тоифасига киради. Уларнинг ҳам пенсиялари миқдори 1,4 марта ошади ва 1996 йил 1 апрелидан энг кам ва энг юқори пенсия миқдорлари ногиронлик гуруҳига қараб белгиланади.

— I гуруҳ ногирони:

энг кўп миқдор — 4 минг сўм (энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида), энг ками — 2 минг сўм;

— II гуруҳ ногирони:

энг кўпи — 3 минг 200 сўм (8 баравар оширилгани), энг ками — 1 минг 600 сўм;

— III гуруҳ ногирони:

энг кўпи — 1 минг 600 сўм (4 баравар оширилгани) энг ками — 800 сўм.

— Пенсияларни ҳисоблашда иш ҳақига қўшиладиган коэффициентлар ҳам оширилганми?

— 1996 йил 1 апрелга қадар тоширилиладиган маошлар коэффициентлари, шунингдек 1,4 марта оширилган. 1996 йил ва ундан кейинги ойлар маош миқдорлари бирга бир қилиб белгиланади, яъни коэффициентлар қўлланмайди.

Илмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди.

Суратли ахборот

ОЛИМПИАДАГА ТОШКЕНТ «КОКА-КОЛА»СИ

Олимпиада ўйинларига ҳар ким турлича тараддуд кўради. Спортчилар ҳар галгидан ҳам юксак натижаларга эришиш ниятида машқлар қилишни кучайтиради. Уларнинг муштарийлари бўлса Атлантага учадиган самолёт чипталарини олишни ёки телевизорлари яхши кўрсатиши учун уларни созлашни ўйлашади. Турли хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган фирма ва компаниялар эса Олимпиаданинг ҳар томонлама қулай, гўзал ва бир умрга эсда қолиши учун ҳаракат қилишади. Масалан, Атлантадаги жаҳон спорт анжумани ўйинларини бевосита томоша қилиш шарафига муяссар бўладиган бахтли кишиларни «Кока-кола» компаниясининг ажойиб мукофотлари кутмоқда. Уларни Европа, Осиё, Африка ва Американинг турли мамлакатларидан йўлланган ҳамда чиройли ёзувлар битилган машҳур шишалар кутиб олади. «Арғамчига қил қувват» деганларидек севиб ичиладиган бу ичимликлар спортчиларга қадрдон шаҳарларининг бир бўлагини эслатиб туради.

Тошкентдан йўлланадиган гипсли шиша ҳар бир кишининг диққатини ўзига тортиши турган гап. Унинг ҳажми ҳам каттагина — баландлиги 2,5 метрга етади. Шишани эса Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти битирувчилари бўлган ёш рассомлар Б. Семейкин ва Т. Холмирзаевлар чиройли қилиб безаганлар. Хўш, ана шу тасвирда нималар ўз ифодасини топди экан? Агар диққат билан унга нигоҳ ташласангиз Бухоро, Хива, Самарқанднинг ноёб меъморий хазиналарини, Буюк Ипак йўлининг тасвирий харитасини кўрасиз. Шишанинг тепа қисми-оғзида эса ушбу ичимликни ичаётган оқсоқол ва ёшлар тасвирланган. Ана шу «Саёҳатчи шиша» идиш қаердан келганлигини узоқдан ҳам кўришингиз мумкин, чунки унга «Тошкент» сўзи ёзиб қўйилган.

Яқин кунларда Тошкентдан юборилиадиган бу ажойиб идиш белгиланган жойга аниқ етиб боради. Бу галги Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган Атланта шаҳри бошқа мамлакатларнинг вакиллари қаторида мустақил Ўзбекистон спортчиларини ҳам ўз бағрига қабул қилади. Ўйлаймизки, юртдошларимиз Атлантада давлатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

СУРАТДА: Атланта Олимпиадасига Тошкентдан юборилиадиган икки ярим метрли «Кока-кола».

1996 йил — Амир Темур йили

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНДИ

Мирзо Улуғбек тумани, «Қорасув-1» даҳасидаги «Гулзор» маҳалласида кўп қаватли уйлар қошида ташкил этилган бўлса-да, бироқ бу ерда турли тадбирларни ҳамжиҳатлик билан ўтказиш, тажрибали оқсоқоллар маслаҳати ила иш тутиш яхши анъана тусига кирган.

Ўтган йили туман ҳокимлиги, ҳомийлар кўмаги, қолаверса маҳалладошларнинг уюшқоқлиги билан «Гулзор» маҳалласи марказида барча қулайликларга эга гузар қурилиб ишга тушди. Бу эса гулзорликлар қувончига янада қувонч қўшиб, маҳаллада истиқомат қилувчи турли миллат вакилларининг янада яқинлашувида муҳим омил бўлди.

Куни кеча маҳалла гузарида янграган карнай, сурнай, ноғора садолари маҳалладошларни яна бир ажойиб тадбирни ҳамжиҳатлик билан ўтказишга чорлади. Зеро, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирга Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бир гуруҳ олимлари ташриф буюришди.

Йиғилишда сўзга чиққан филология фанлари номзоди, доцент Убайдулла Уватов Амир Темурнинг илм-фан, маданиятнинг ҳомийси ва ташвиқотчиси эканлиги, буюк саркарда мураккаб тарихий вазиятда бек, амирлар, ҳарбийларнинг бошини қовуштириб, Мовароуннаҳрда мустақил давлатга асос солгани, унинг ободончилик, савдо, тижорат ишлари эътибори, чет эл дипломатлари билан алоқалари тўғрисида қизиқарли мисоллар асосида маъруза қилди. Шунингдек, Амир Темур тўғрисида ёзилган асарлар хусусида тўхталди. Тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев Амир Темур шажараси — унинг авлод-аждодлари, фарзандлари, набиралари мавзуида сўз юритиб, ўзининг яқинда чоп этилган «Амир Темур шажараси» асаридан ўрин олган Темурий ва Бобурийлар сулоласини ташкил этган 192 та шаҳзода ва 392 та малика тарихига батафсил тўхталди. Фалсафа фанлари номзоди Турғунбой Саксонов маънавият ва тарих масалалари хусусида фикр юритди.

Кеча сўнгида 208-мактаб ўқувчилари, технология техникуми талабалари Амир Темур тузуклари, ҳикматларидан парчалар ўқидилар, шунингдек буюк соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ энг муҳим қирраларни очиб беришга ҳаракат қилдилар. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган тадбирга йиғилган маҳалла аҳли шу куни бир олам маънавий завқ олиб, ўтмишимиз, буюк тарихимиз, маънавиятимиз тўғрисидаги ўз тушунчаларини сезиларли даражада бойитишди.

Дамир ИСЛОМОВ.

СУРАТЛАРДА: «Гулзор» маҳалласидаги тадбир ана шундай файзли ўтди.
Рашид Галиев олган суратлар.

Ўзбекистон ва жаҳон

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Ватанимиз ҳурликка эришган, жаҳоннинг кўпдан-кўп давлатларининг элчихона ва ваколатхоналари юртимизда фаолият кўрсата бошлади. Тошкентдаги Эрон Ислом Республикаси элчихонаси қошида ташкил этилган маданият ва матбуот бўлимида турли хайрли тадбирлар, кечалар, кўргазмалар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Биз бўлимнинг амалга ошираётган ишлари, вазифалари билан қизиқиб, унинг бошлиғи жаноб Меҳроб Ражабийни суҳбатга тортдик:

— Мазкур маданият ва матбуот бўлими жаҳоннинг тарихи, санъати, маданияти қадимдан равнақ топган мамлакатлардаги Эрон элчихонаси қошида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё минтақасидаги ана шундай давлатлар сирасига киради. Ва элчихонамиз очилганидан буён бўлим ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Мақсадимиз ҳар иккала давлат халқлари ўртасида мустаҳкам, маданий-маърифий, дўстона алоқаларни янада кенгроқ йўлга қўйишдир. Турли илмий анжуман, кўргазма, фестивалларни тез-тез ўтказиб турамиз. Олий ўқув юртлари талабалари учун форс тилидаги ўқув қўлланмалар, дарсликлар, китоблар келтиришда ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Қатор ўзбек мутахассис олимлари Эрондаги йирик анжуманларда иштирок этишди. Масалан, тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев, академик Аҳмадали Асқаров, шарқшунос олим Баҳриддин Маннонов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчилари М. Абдусаматов, А. Қуронбековлар адабий, тарихий, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган семинарларда қатнашдилар. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ходимлари қадимий Наврўз байрами Эронда қандай нишонланишини ўз кўзлари билан кўриб, маросимларда ҳам бевосита қатнашиб, бир олам таассуротлар билан қайтишди.

Ана шу барча саъй-ҳаракатлар бошида бизнинг бўлим турганини ўзгача фахр билан тилга олишни жоиз деб биламан.

Яқиндагина Эроннинг маданият ишлари вазири, жаноб Мирсалим Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари меъморчилик обидалари қайта тикланаётганидан беҳад қувониб, бу ишларда ўз кўмагини аямаслигини таъкидлаб ўтган эди. Зеро бизнинг халқларимиз ўртасидаги илиқ муносабатлар жуда чуқур илдизга эгадир. Ўз ўрнида буюк соҳибқирон, жаҳонгир Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейида ҳам фаол қатнашиш ниятимиз бор.

— Бўлимнинг режалари билан ҳам таништириб ўтсангиз.

— Режаларимиз бисёр. Ўзбек қўшиқлари, айниқса мақом йўлидаги мумтоз ашулаларни Эронда севиб тинглашади. Шу сабабли ҳам мақомчи хонандаларнинг Эронга сафарини уюштиришни мўлжаллаяпмиз. Ўзбекистонда бизнинг фильмлар ҳафталигини ва Эронда ўзбек фильмлар ҳафталигини ўтказмоқчимиз. Сунъий йўлдош ёрдамида Эрон телевидениесини Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали таништириш кўзланяпти. Шунингдек, Шарқшунослик институтида форс тилидаги қўлёзмаларни ўрганиш, меъморчилик соҳасида ўқув-таълим ишларини амалга ошириш режамиз бор. Булардан ташқари бўлим қошида Эрон китобларидан иборат бўлган кутубхона ташкил этмоқчимиз.

Хуллас, икки мамлакат ўртасидаги абадий дўстлик, ҳамкорлик алоқалари йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Назокат УСМОНОВА.

Раҳмдил ва мурувватли бўлайлик

ЖАМИЯТНИНГ САХОВАТЛИ ФАОЛИЯТИ

Ногиронларга кўмак бериш, ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш савоб ишлар сирасига киради. 1989 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти худди ана шу йўналишда фаолият кўрсатаётган ташкилотдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, мустақилликка эришганимиздан сўнг ушбу жамиятнинг фаолияти сезиларли даражада ривожланди. Аъзоларининг сони кўпайди.

Яқинда Юнусобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида «Меҳрибонлик» жамиятининг ҳисобот-сайлов анжумани бўлиб ўтди. Унда республика ногиронлар жамиятининг раҳбарлари, «Меҳрибонлик» жамияти шаҳар ва туман бўлинмаларининг ходимлари, Меҳнат вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг вакиллари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг раиси Ҳабибулло Миртожиев сўзга чиқиб, ўтган уч йил ичида амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар ва мавжуд муаммолар тўғрисида тўхталди.

Жамият ва унинг бўлинмалари тўла хўжалик ҳисобида иш юритиб, солиқ бўйича маълум имтиёзлар ва хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш нуқталар мададига таяниб ҳамда ташкилотларнинг ҳомийлик бадаллари асосида фаолият кўрсатмоқда. Ўтган вақт ичида В. Чкалов номидаги авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида, Собир Раҳимов ва Миробод туманларида жамиятнинг бўлинмалари ташкил этилди. Туманларда бўлинмалар очилиб, меҳр-кўмакка, мурувватга муҳтож ногиронларнинг муаммоларини жойида тезроқ ҳал қилиш, шу билан бирга ногиронларни сафларга бирлаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Албатта, ҳар йили ногиронлар учун Наврўз, Мустақиллик, Халқаро ногиронлар куни ва Янги йил байрамларини кенг нишонлаш анъана тусига кирган. Бундан ташқари «Қизил майка» номли интернат, 100-интернат, болалар церебрал фалажи билан оғриганлар учун 4-клиник касалхона, ақли заиф болалар мактаб-интернати каби ногиронлар ўқув масканларига совғалар топшириб турилибди. Шунингдек, ўтган муддат ичида жамият бўлинмалари орқали 200 дан ортиқ ногиронлар ишга жойлаштирилди.

Келажакда мўлжалланган ишлар тўғрисида шуни айтиш керакки, 1996 — 2000 йилларга мўлжалланган ногиронларни тиклаш давлат дастурига мувофиқ амалга ошириладиган қатор режалар белгиланган, улар сирасига янги иш жойларини ташкил этиш, пойтахтдаги поликлиникалардан бирининг негизида тиббиёт тиклаш марказини очиш, шаҳар ногиронлари тўғрисидаги маълумотлар банкини тузиш фаолияти киритилган. Қувонарли томони шундаки, Вильнюсдаги ногиронлар аравачалари ва анжомлари чиқарадиган «Пунтунас» ҳиссадорлик жамияти билан келишувга кўра жорий йилдан бошлаб улардан турли русумдаги ногиронлар аравачаси ва анжомларнинг бутловчи қисмларини олиб йиғиш ишлари эса Тошкентда амалга ошириладиган бўлди.

Натижада ушбу маҳсулотлар ҳозирда мавжуд ногиронлар анжомларидан анча арзонга тушади.

Анжуманда Республика ногиронлар жамиятининг раиси С. Убайдуллаев, «Меҳрибонлик» жамияти Мирзо Улуғбек ва Сергели туман бўлинмалари раислари К. Қурмаев, С. Цой ва бошқалар сўзга чиқишиб, жойларда ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш, иш билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар, мавжуд муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтишди, йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтаришди. Анжуман давомида шунингдек ногиронлар учун махсус ошхона, истироҳат боғи, имтиёзли нархларда савдо қилувчи дорихоналар очиш тўғрисида таклифлар тушди.

Жамият номини Тошкент шаҳар ногиронларининг «Меҳрибонлик» жамияти этиб ўзгартиришга қарор қилинди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

УЯТ ЭМАСМИ?

«Кичик Вера» кинофильми экранларга чиқарилганда катта шов-шувларга сабаб бўлган эди.Ундаги бош қаҳрамонлар кечмиши шарм-ҳаёсизларча ифодаланганидан бундай «яшаш тарзи» ёшларимизга салбий таъсир кўрсатишидан жонкуяр газетхонлар қайғуриб ёзишганди.

Аммо бу «ҳолва» экан. Ҳозир баъзи видеозалларда мафкурамизга бутунлай ёд бўлган беҳаё кинофильмлар очиқдан-очиқ намойиш қилинмоқдаки, уларнинг олдида «Кичик Вера» ип ечолмай қолди.

Узоққа бормай пойтахтимиз марказидаги Максим Горький номидаги давлат рус академик драма театри биносида жойлашган видеозални олайлик. Унинг фаолият кўрсата бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани ҳам йўқ. Лекин видеозал шу қисқа вақт мобайнида томошабинлар эътиборига ахлоқан бузуқ, беҳаёлик билан йўғрилган кўплаб кинофильмларни тақдим этишга улгурдики, уларни кўрган ҳар қандай шинаванда анча-мунча вақтгача унинг таъсис кучидан ҳоли бўла олмай юради. Келинг яхшиси, шу тарздаги кинофильмлар рўйхатини санаб ўтирмайликда, «Хўш, бундай шарманда мазмунли лавҳалар ифодаси кимга, нимага керак?» деган саволни ўртага ташлайлик. Албатта бу саволга видеозал мутасаддиларининг жавоби тайин. Чунки улар дарҳол ҳозирги иқтисодий мураккабликлар даврида мана шунақа «тадбиркорлик» йўлини қўллашга мажбур бўлаётганликларини айтишадию, лекин ушбу «санъат даргоҳи»га кириб бундай фильмларни кўраётган ёшлар миясини қанақа «гўзаллик туйғуси» билан заҳарлаётганликларини ўйлашмайди. Энг ёмони чиллаки чиллакини кўриб чумак урганидек, бундай нобоп йўналишдаги видеозаллар кўзиқориндек кўпайиб бораётгани кишини ташвишга солади.

Албатта биз шаҳримизда видеозалларнинг фаолият кўрсатишига қарши эмасмиз. Лекин уларда давримиз руҳига мос, замонамизга хос кинофильмлар, милиция ҳаёти, умуман жиноятчиликка қарши кураш хусусидаги тасвирлар, суд жараёнлари ўз ифодасини топса деймиз. Уларда томошабинни ўйлантирадиган, ҳалоллик ва покликни тарғиб қилувчи, инсофу диёнатга чорловчи, шу муқаддас юрт бойлигини эъзозлаш, она табиатни авайлаб асрашга ундовчи кинофильмлар кўрсатилса деймиз.

Яна асосий мақсадга қайтайлик. Максим Горький театри видеозалида бир кунда беш марта турли кинофильмлар намойиш этилади. Кундузги сеансслар соат 11, 13, 15 да қўйиладиган сеансларда ур-йиқит, уруш, зўравонлик кўрсатиладиган фильмлар намойиш этилса, кечки соат 17, 19 да бошланадиган сеансларга эса фақат катталар, яъни беҳаёлик «оламига саёҳат» қилиш ишқибозлари таклиф этилади. Балоғат ёшига етмаганларга бу сеансларга кириш ман этилган бўлсада, амалда бунга риоя қилинмайди. Пулига чидаса кўраверсин, осмон узилиб ерга тушмас қабилида иш тутилади. Қизиғи бундай шинавандалар орасида қизларнинг ҳам борлиги кишини таажжубга солади.

Дўстим шундай ҳикоя қилади. Яқинда бир танишимни учратиб, сўрашиб қолдим. Шунда у: «Уйингизда видеоингиз борми?» деб сўраб қолди. «Бор» деб жавоб бердим.

— Унда сизга бир лента бераман, кечаси мириқиб томоша қиласиз.

«Қанақа лента», — десам «Екатерина ва Распутин» деган кинофильмларни кўрганмисиз?» деди кулиб. «Йўқ», — дейишим билан танишим бу фильмларни мақтай кетди.

— Кўрмабсиз, оламга келмабсиз.

Тарихий шахслар ҳақида фильмлар бўлса керакда, деган мақсадда танишимдан хурсанд бўлиб ўша видеокассетани олиб уйга жўнадим. Болалар уйқуга кетгач, хотинимга олиб келган лентамни танишим таърифлаганидек мақтай кетдим.

— Яхши бўлса кўрсак кўра қолайлик, дадаси, — деди у ҳам қизиқиб.

Шундай видеонинг қулоғини бурашимни биламан... Хотиним: «Вой шарманда», дедию ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Кўзларимга ишонмай экранда кечаётган воқеаларга беихтиёр тикилиб қолдим. Қарасам... Видеони шартта ўчирдиму менга шунақа ҳиммат кўрсатган танишимдан норози бўлиб ғижиндим. Ўша куни хотинимдан эшитадиган даккиларимни айтмайсизми. Кино баҳона набирали одамлар сал қолди қўйди-чиқди бўлиб қолишимизга...

Эртасига саҳарлаб «туҳфа»ни эгасига қайтардим. Танишим астойдил хафа бўлганимни кўриб мендан кечирим сўраш ўрнига нуқул ҳиринглаб кулади.

— Ҳеч соддалигингиз қолмади-қолмади-да, дўстим, — дейди елкамга уриб. — Бу нима экан. Шунақанги кинолар борки, уларнинг олдида ип ечолмайди бу кўрганларингиз. Чет элникику майлия, эшитишимча ҳозир ўзимизда ҳам шунақа ленталарни тасвирга тушурувчилар иш бошлаб юборишганмиш.

Бу гапнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги менга қоронғу. Лекин шаҳримиздаги видеозалларда намойиш этилаётган, беҳаёлик тўлиб-тошган бундай киноленталар бизнинг шарқона ахлоқ-одобимизга бутунлай ёт нарсаку деган гап хаёлимдан ўтди.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Ўткир ҲОШИМОВ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

«Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер»,деган гап бор. Мен «Тошкент оқшоми»да бир кун эмас, бир йил эмас, роса ўн олти йил ишладим. Шу даргоҳнинг тузини ичдим. Энди билсам, ўша йиллар ҳаётимнинг энг жўшқин дамлари экан... «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор», «Инсон садоқати», «Дунёнинг ишлари», «Тўйлар муборак» асарларимни сиёҳи қуримасдан туриб, шу ердаги дўстларим даврасида ўқиганмиз...

«Дафтар ҳошиясидаги битиклар» қоғозга туша бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Уларда инсон қисмати, ҳаёт моҳиятини англашга интилишдан ташқари ўша пайтларда эълон қилишнинг иложи бўлмаган Истиқлол орзулари ҳам борлигини пайқаш қийин эмас... Насиб этса, «Битиклар»ни алоҳида китоб ҳолида чоп этиш ниятим бор.

Қадрдон газетам ўқувчиларидан бир илтимосим бор:

Битиклар зарб билан ўқиладиган ҳикоялар эмас. Иложи бўлса, уларни шошилмай, диққат билан ўқисангиз...

ҚИСМАТ

Инсон ҳаёти шатранж тахтасидаги донанинг юришига ўхшайди. Гоҳ оқ катакдан ўтади, гоҳ қора катакдан. Фарқи шуки, бировнинг қисматида оқ катаклар кўпроқ бўлади, бировникида қора катаклар.

ФАРИШТАЛАР

Хонадонингизда кекса одам борми?

Бахтли экансиз... Дунё ташвишларидан безиб кетсангиз, шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт абадий эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз...

Хонадонингизда гўдак борми?

Сиз ҳам бахтли экансиз... Дунё ташвишларидан безиб кетсангиз, гўдакни бағрингизга босинг: ҳаёт абадий эканини ўйлаб, таскин топасиз...

ТОЛХИВИЧ

Ҳали мактабга бормасдим. Баҳор эди... Акаларим ўқишда, укам бешикда... Зерикиб кетдим. Уйимиз рўпарасидаги самбиттолдан хивич кесиб олиб, хуштак ясашга тушдим...

Ҳарчанд уринмай, тол пўстини ажратиш қўлимдан келмади. Алам қилди. Толхивич билан ерни савалашга тушдим. Шунинг устига саватда зоғора нон кўтариб, ошхонадан онам чиқиб келди.

— Нима қилаяпсан? — деди қўрқиб. — Ерни нега урасан, аҳмоқ? Қара, ҳар урганингда «ўл-ўл» деяпти. Ташла, хивичингни!

Ҳеч балога тушунмадим. Толхивични баланд кўтариб, ерни баттар савалай бошладим...

Шунда... толхивични ҳар урганимда «ўлўл!» деган садони аниқ эшитдим! Толхивич қўлимдан тушиб кетди...

...Ишонмасангиз, сиз ҳам толхивич билан Ерни савалаб кўринг...

ОФТОБ

Яхшиямки, Худо Офтобни бағри кенг қилиб яратган... Бўлмаса Ер юзидаги одамларнинг иллатларини ҳар куни кўравериб, аллақачон сўниб қолган бўлармиди...

«ПОДШОҲИ ОЛАМ»

Дам олиб ётсам, айвон томондан икки яшар неварамнинг овози келди:

— Опажон, «оҳ» бейинг...

— Йўқ, — деди аяси. — Ўзи тилинг ўйилиб ётибди, Шоҳруҳжон...

— Адажо-о-н...

Адаси ҳам кўнмади... Ўша томондан дўпдўп қадам товуши эшитилди. Ётоқ эшиги ғийқиллаб очилди. Биламанки, ота-онасидан ундиролмаган нарсани мендан сўрайди. Ухлаган киши бўлиб кўзимни юмиб олдим. Пилдираб, ёнимга келди.

— Дадо-о-ов...

Индамай ётавердим. Елкамга туртди.

— Дадажо-о-он, «оҳ»!

Кўзимни очмай, чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Яна туртди.

— Дадажо-о-о-н, «оҳ» бейинг...

Осон қутилиш ниятида хуррак тортдим. Шунда... шарақ этиб, юзимга тарсаки тушди! Кўзим очилиб кетди. Қарасам, жавдираб турибди.

— Дадажо-о-он, «оҳ» бейинг!

...Кўтариб, бағримга босдим.

— Бош устига, «подшоҳи олам!». Сизнинг ҳукмингиз — вожиб!

Ота-онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, қўлига бир ҳовуч конфет тутқаздим...

БОЛАЛИК ВА КЕКСАЛИК

Болаликда дунё кенгу кийим тор.

Кексайганда кийим кенгу дунё тор...

ОДОБ

Фарзандга осон тутманг. Отанинг юзига тик қаролмайди.

Отага осон тутманг. Фарзандига дардини айтолмайди.

ФОЖИАМИЗ

Армани:

— Сизга ким керак, азизим? «Қоровул Петросян», дейсизми? Вах-вах-вах! У қоровул эмас, академик! Донишманд одам! Юринг, уйини кўрсатаман. Яқинда икки қаватли уй солди, азамат!

Гуржи:

— Кимни сўраяпсиз, бачана? «Этикдўз Панжикидзе?» О-о-о! У этикдўз эмас, академик! Бунақа ақлли одам юз йилда бир марта туғилади. Юринг, дачасига обориб кўяман. Уч қаватли дача қуряпти, азамат!

Ўзбек:

— Нима? Ким дейсиз «Академик Алижонов?» Ҳеч қанақа академик эмас у! Қоровулчалик саводи йўқ! Этикдўзчалик илми йўқ! Ғирт аҳмоқ одам! Порахўр! Ўрикзорда данғиллама иморат солаяпти. Шунча пулни қаёқдан олган? Умуман... мен ҳеч қанақа Алижонип — Палижонипни танимайман!

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Ёшлигида ақли расо бўлган одам кексайиб, «аннақароқ» бўлиб қолиши мумкинми-йўқми, унисини билмадим-ку, аммо ёшлигида «аннақароқ» одам кексайганида ақли расо бўлади, десалар... Билмадимов...

ҚАСАМ

Болалар шоири боладек беғубор бўлиши керак. Қуддус Муҳаммадий шунақа одам...

Қуддус ака ҳақида ғалати ҳангомалар юради. Кўп йиллар аввал Масковда декада бўлади. Ҳамма тайёрада учиб борса, Қуддус ака уч кун поездда шилқиллаб боради. Мажлисга кетаётганларида Қуддус ака метрога тушмайман, деб оёғини тираб туриб олади. Ғафур Ғуломнинг жаҳли чиқиб кетади. «Шунинг харҳашасига қараб ўтирасанларми, судра!» деб буюради. Ҳамкасблари қўлидан ушласа Қуддус ака типирчилаб дод солгудек бўлади. Шериклари «Ғафур акадек одамнинг сазасини ўлдирманг», деб ялинишса ҳам кўнмайди. Охири «келишув» йўлини топадилар. Қуддус ака метронинг айланма зинасига оёғини бир тегизиб олади-да, «бўлди, тушдим ҳисоб» деб қочиб қолади... кейин ундан нега бундай қилганини сўрасалар, «мен то тирик эканман, водопровод суви ичмайман, осмонга чиқмайман, ер тагига кирмайман, деб қасам ичганман», дейди...

Қуддус аканинг етмиш беш ёши нишонланадиган бўлди. Уйига қўнғироқ қилдим. Журнал ходимларидан бирини олдига юбориб, янги шеърларидан келтирмоқчилигимни айтдим.

— Келиб овора бўлмасин, ўзим бораман, — деди шоир.

Эртасига эрталаб хонага кириб келди. Қарасам, пешонаси жиндай терлабди. Кекса одамни овора қилганимиздан ҳижолат чекдим.

— Чарчадингизми? — десам, кулди.

— Чарчаганим йўқ. Мен сизни ўн олтинчи қаватда ўтиради, деб ўйлабман.

Баттар мулзам бўлдим.

— Ўн олтинчи қаватдан пиёда тушдингизми?

— Йўқ, Ўн олтинчи қаватга пиёда чиқдим...

Кейин билсам Қуддус ака то тирик эканман лифтга ҳам кирмайман деб қасам ичган экан...

БЕҒУБОРЛИК

Шоҳруҳ. Икки яшар. (Ойнинг сувдаги аксини кўриб):

— Дадажон, қаянг, Омума-илла сувга «бум» этди!

* * *

Дилором. Уч ярим яшар.

— Шоҳруҳни қайси магазиндан олгансизлар?

— Ҳмм. «Болалар дунёси»дан. Нимайди?

— Шоҳруҳ мени урди. Магазинга обориб бериб, бошқасини олиб келинглар!

* * *

— Жевачкангдан уканггаям бердингми, Дилишка?

— Бердим.

— Нечтасини?

— Ҳаммасини... қоғозини...

(Давоми бор).

ЖАМИЯТ, ҚОНУН, ТАРТИБОТ

◆Юзма-юз мулоқот
◆Дил сўзлар
◆Болали аёллар учун
◆Қилмиш-қидирмиш

Аҳоли турар жойларида

«БОҒКЎЧА»ДАГИ УЧРАШУВ

Собир ака хўжалик сумкасини кўтариб трамвайга чиқди. «Чорсу» бозоридан ул-бул харажат қилиши керак. Трамвай бозор бекатига етиб келганида тушиб қолди. Бекатда одам тиқилинч. Анчадан бери трамвай келмаганига ур-йиқит қилиб ҳамма трамвайга ёпирилди. Собир ака одамлар орасидан зўрға ўтиб олганди, кутилмаганида хунук воқеа юз берди. Тўсатдан тўполонда аллақандай йигит югуриб келиб қўлидаги сумкани юлқиб олиб қочди. Бахтга қарши пул ҳам шунинг ичида эди. «Ҳой одамлар, ёрдам беринглар», деганича бақириб қоларди. Яхшиямки бахтига шу ерда хизматни ўтаб юрган милиция ходимлари келиб қолишди. У барча бўлиб ўтган воқеани тушунтириб берди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида талончи ушланиб Собир акага пул ва бошқа нарсалари қайтариб берилди. Бу воқеанинг юз берганига ҳам анча вақт ўтди. Ҳозир Собир ака қарилик гаштини суриб уйда ўғил ва невараларга бош-қош. Шайхонтоҳур туманидаги «Боғкўча» маҳалласида истиқомат қилади.

Қариганда бекор ўтиришдан ёмони йўқ. Бироқ Собир ака Маҳкамов учун бекорчиликка вақт йўқ. Сал невараларидан бўшади дегунча маҳаллага чиқиб фаоллар билан суҳбатлашади. Маҳалланинг бугуни ва келажаги ҳақида фикрлашиб, маслаҳатлашиб олишади.

— Ёшлар тарбияси ўзибўларчиликка ташлаб қўйиладиган масала эмас, — дейди у киши биз билан суҳбатда. — Ўсмирни сал назоратдан чиқарсанг кичик хато катта ташвишларни бошлаб келиши мумкин. Шунинг учун ички ишлар ходимлари билан доимо ҳамкорлик қилиб, улар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз.

Нафсиламбирини айтганда ички ишлар ходимларининг маҳалла фаоллари билан тез-тез юзма-юз учрашишида маъно кўп. Биринчидан, аҳолининг таклиф-истаклари ўрганилиб чиқилади. Иккинчидан, кўпдан қуён қочиб қутулолмас деганларидек, ҳар қалай, маҳалла фаоллари, қолаверса ҳар биримиз жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашни ўзимизнинг бевосита бурчимиз билиб виждонан ёндошсак кундалик турмушимизда, шубҳасиз жиноятлар камаяди. Яқинда шундай учрашувлардан бири Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «Боғкўча» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди.

Биз учрашувга келган айрим кишилар билан суҳбатлашдик.

— Ёш аёлни кўчада тўхтатиб беорлик билан унинг қўлидан тортаётган бир йигитни кўриб қолдим, — дейди шу маҳаллалик касби ўқитувчи бўлмиш Тоҳир Саидов. — Унга танбеҳ бериб яхши гапиргандим, йигит кўполлик билан «Сенинг ишинг нима, йўлингдан қолма», — деб бақирди. Аёл бечора менга қараб «Ёрдам беринг, мен бу одамни умуман танимайман, биринчи кўриб туришим», — дея илтижо қиларди. Шу пайт маҳалладошларимдан икки йигит келиб қолди. Улар билан безори йигитни ҳудуд нозирининг хонасига олиб бордик. Бу ерда безорига нисбатан қонун-қоидаларимизда белгиланганидек ҳужжатлар расмийлаштирилиб, уни ички ишлар бўлимига топширдик. Аёл ҳақиқатан ҳам бу ерда яшамас, маҳаллада истиқомат қилувчи опасиникига келаётган экан. Агар биз бу билан милиция шуғулланиши керак, дея ўзимизни четга олганимизда иш кўнгилсизлик билан тугаши мумкин эди. Қонун-қоидаларимизни билиш ва уни тўғри қўллай олиш, уни оёқости этмаслик ҳар биримиз учун фарздир.

Саломат ая Хуррамова, 75 ёшда, уй бекаси:

— Шу илгарилари маҳалламиз дўкони олдидан ўтиб бўлмасди. Бир-иккита ёш-яланг тўпланишиб пиво ичиб ўтганкетганга тинчлик беришмасди. Дўконга бориш жуда ноқулай бўлиб қолганди. Ёш невараларимни юборишга эса тўғрисини айтсам бирон кор-ҳол бўлмасин дея ҳадиксирардим. Хайрият ҳудуд нозирларимиз бекорчиларнинг ҳаммасини ҳайдаб умуман дўкон у ёқда турсин ҳатто кўча-кўйда бир-иккита йиғилишиб пиво ичадиганларни ҳам йўқотишди.Барака топгурлар, яхши иш қилишди.

Ҳа, «Боғкўча» маҳалласидаги учрашувда айни дилдаги гаплар бўлди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Салоҳиддин Мираҳмедов, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Баҳром Ўлжабоев, Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Асқар Зиёвуддинов, шу туман милицияси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Шавкат Ҳикматовлар шаҳримизда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳудуд нозирларининг фаолиятини кучайтириш борасида қилинаётган ишлар, махсус тезкор тадбирлар самараси ҳамда милиция ва маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида сўзлашди ва маҳалла аҳлини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтаришди. «Боғкўча» маҳалласи оқсоқоли Ортиқ Тўлаганов, маҳалла фаолларидан Абдували Иномжонов, Жўравой Зокировлар ҳам жиноятчиликни жиловлаш борасидаги ўз жўяли фикрларини айтиб, учрашув ташкилотчилари — Республика Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ ходимларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходими.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Қизим 15 ёшга тўлди. Оилавий шароитимиздан келиб чиқиб уни ишга жойлаштирмоқчи эдим. Фарзандимга меҳнат дафтарчаси очиладими?

Робия АШУРОВА,
тарбиячи.

Ишга 16 ёшга етиб паспорт олганларгина қабул қилинади. Аммо ишга қабул қилмоқчи бўлган корхона, ташкилот ёки муассасанинг касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда истисно тариқасида 15 ёшдан ишга олиши мумкин.

***

Муддатидан олдин иш фаолиятини бошлаган ёш болали аёлларга қандай имтиёзлар бор?

Адиба ҲАМРОЕВА,
Юнусобод тумани, 14-мавзе.

Уч ёшгача фарзанди бўлган аёллар болани парваришлаш таътилида бўлсалар-да ўз хоҳишларига кўра тўла бўлмаган иш куни шароитида ёки уйда ишлаш имкониятига эгалар. Бунда болани парваришлаш учун нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

Жавобларни
Малоҳат СОБИРОВА
тайёрлади.

Тошкент милициясида ўз касбига ихлос қўйган кўплаб ходимлар ишлашади. Ана шундай фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида пойтахтимиз аҳли осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Тошкент шаҳар ИИББ си раҳбарияти — шарафли, масъулиятли ишнинг бошида турган инсонлар номига битилган кўплаб миннатдорчилик мактублари келмоқда. Ана шундай миннатдорчилик мактубларидан бири яқинда Хоразм вилоятидан жўнатилган экан. Биз хат мазмунини таҳрир қилмасдан муштарийларга билдиришга аҳд қилдик.

Осойишталик посбонлари фаолиятидан

МИННАТДОРЧИЛИГИМНИ БИЛДИРАМАН

«Мен ўзим асли пахтакорман. Ўтган йил Хоразмда ҳосил яхши бўлди. Режа ва топшириқларни уддаламаган биронбир деҳқон хўжалиги қолмади. Деҳқонларимиз ҳозир 9 ой чеккан заҳматларининг роҳатларини кўришмоқда. Анчадан бери мазам қочиб бироз касалланиб юргандим. Бу йил оиламиздагиларнинг қўярда-қўймай қилган қистовлари натижасида Тошкентга келиб дам олишга қарор қилдим. Биз хоразмликларни пойтахтдаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Турон» санаторийсида яхши кутиб олишди. Муолажалари ҳам яхши экан. Хуллас дам олиш мен учун айни муддао бўлди. Бироқ ҳаётда ҳар қандай ҳодисалар учраб турар экан. Беш бармоқ бир бўлмаганидек одамнинг ҳам оласи ичида бўларкан.

Дам олиб ётган хонамга бир нотаниш аёл кириб келиб шерикларимни сўради. Мен ҳозир келадилар, даволанишга чиқиб кетганлар деб кўя қолдим. У аёл бўлса «Ҳеч қиси йўқ, бирпас кутаман», деди. Асли қишлоқ одами эмасмизми, соддамиз-да, ҳаммани ўзимиздай билиб ишонаверамиз. Чарчаган эдим ухлаб қолибман. Шерикларим келиб уйготишди. Ҳалиги аёлни айтсам танимаймиз, дейишди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. «Чорсу» бозорига чиқиб ўзимга ва уйдагиларга совға-салом деганларидек ул-бул нарса харид қилгандим. Ахтариб тополмадим. Соддалигимдан пушаймон бўлиб анча эзилдим. Кейин милицияга хабар қилдим. Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари Исмат Ниятов, Ислом Матаев, Фатхулла Утегеновлар воқеа содир бўлган жойга етиб келиб дарров ишга киришдилар. Тергов ишларига бошчилик қилган Бексаид Кенжаев ва бошқа ходимларнинг ўз вақтида тезкор ва тўғри ҳаракат қилганликлари натижасида ўғри ушланиб менинг буюмларим қайтариб берилди. У аёл анчадан бери шундай ишлар билан шуғулланиб юрган текинтомоқ, ўзгалар мулкига кўз олайтирадиган бир кимса экан.

Жиноятнинг тезда очилганидан хурсанд бўлиб олам-олам қувонч билан Хоразмга қайтдим. Асосийси, қонунларимизни топтаб, қанча иймонли, ҳалол, пок инсонларга хиёнат қилиб юрган аёлнинг ярамас фаолиятига чек қўйилди. Мен ўз касбининг фидойиларига, моҳир билимдонларига, қолаверса уларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарига, тўғри йўналиш бераётган раҳбарларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Текинхўрлар билан аёвсиз курашиб, кунни-тунга улаётган бу ходимларга оғир, шу билан бирга хайрли ва шарафли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламан.

Марҳамат МАТВАФОЕВА.
Хоразм вилояти, Урганч тумани».

◆

Баҳор фасли нақадар фусункор-а! Қийғос гуллаган боғ-роғларнинг мусаффолиги киши дилига завқу шавқ бағишлайди. Беихтиёр қани эди шодлигу ҳалоллик, гўзаллигу инсоф ҳамиша ҳамроҳимиз бўлса эди деб ўйлайсан киши.

◆

Ҳукм ўқилди

ҚУТУРГАН ТЎДА

Станислав Колесниченко бўккунича ичиб кўчада дайдиб юрган эди. «Фахрия» дўкони ёнига келганида таниши Эдуард Бочкаровга кўзи тушиб қолди. У хотини Е. Турикова билан бирга кетаётган эди. Жанжални пулга сотиб олувчи С. Колесниченко уларнинг йўлини тўсиб чиқди ва танишига тегажоғлик қила бошлади:

— Юр, кўчанинг нариги ёғига ўтамиз.

— Нима қиламан у ёқда? Гапинг бўлса шу ерда гапиравер!

— Сенга айтаяпман, йўлнинг нариги четига ўт!

— Ўтмайман!

— Шундайми, унда мана сенга!

Станислав шундай дея Эдуарднинг юзига пичоқ тортиб юборди ва бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Қонга беланган Эдуард эса хотини билан зор қақшаб қолаверди...

Бу ўтакетган безори Колесниченконинг вахшиёна қилмишидан бир шингили холос. У Леонид Латвин деган мунофиқнинг таклифига мувофиқ ўзига ўхшаган ҳеч қаерда ишламай, текин луқма изловчи ҳамтовоқлари Г. Дмитриев ва А. Каспаровлар билан «Марказ—6» мавзесидаги 116-уйнинг 44-хонадонини ўмариш режасини тузади. Улар хонадон соҳиби Б. Биленко ишдан қайтиб уйига киришини пойлашади. Режага мувофиқ Л. Латвин гўё «вазият талаб қилган тақдирда кириб бориш» учун бурилишдаги панароқ жойда туради. А. Каспаров, мабодо уй соҳибаси Марина Биленко ноқулай пайтда уйига келиб қолса уни чалғитиш мақсадида йўлакда қолади. С. Колесниченко ва Г. Дмитриевлар эса юқорига — мўлжалланган хона сари кўтарилишди. Дастлаб Дмитриев эшик қўнғироғини босади. Уй соҳибига ўзини инспекция ходими деб таништириб, ичкарига кириб олади ва шерикларининг бемалол кириши учун эшикни очиқ қолдиради. Бу имкониятдан фойдаланган Колесниченко тезда ҳамроҳи ёнига етиб келадию ташқи айвонга қараб йўл олади. У ердан туриб ташқаридаги шерикларига кўриниш беради.

Шу пайт ичкаридаги ётоқхонадан чиққан Марина Дмитриевнинг қўлида яраклаб турган пичоқни кўрдию қўрқувдан бир сакраб тушди:

— Леонид, ёрдам бер, — дея унга ташланади.

Воқеани кузатиб турган ўғли Леонид онасига ёрдамга шошади. Шу пайт уларнинг орт томонида турган Колесниченко Маринага пичоқ санчиб, жароҳатлайди. Она Дмитриевнинг бошига стул билан тушириб қолишга улгуради. Бироқ қуролланган босқинчиларга жабланувчиларнинг кучлари етмайди:

— Ҳамманг полга ётларинг! — буйруқ беради Колесниченко. Қўрқувдан дир-дир титраётган жабрдийдалар ноилож унга бўйсунишади.

Бундан қувонган Колесниченко Дмитриевга ота-болаларнинг оёқ-қўлларини боғлашни буюради. Дмитриев эса Леониднинг ёнига бориб:

— Қани, йигитча, агар жонингдан умидинг бўлса отангнинг оёқ-қўлини ўз қўлларинг билан маҳкам боғлаб бер, — дейди.

Ўлимдан қўрққан бола ноилож буйруқни бажариб отасини боғлаб бергач, навбат унинг ўзига келади. Бу ишни Дмитриев бажаради.

Колесниченко отани ётоқхонага судраб кириб:

— Яширилган пул ва тиллаларни топиб бер, — деб қийнайди.

— Менда ҳеч қанақа пул ҳам, тилла ҳам йўқ.

— Унда ўлдираман!

У шундай дея жабрдийдани хотинининг ёнига олиб чиқади ва ўша ерда унинг кўкрагига бир неча бор пичоқ санчиб ўлдиради. Энди сўроқ навбати Маринага келади:

— Яширилган пул ва тиллалар қаерда? Агар топиб бермасанг, худди эрингга ўхшатиб сени ҳам чўчқадек сўйиб ташлайман, тушунгингми?

Ноилож қолган Марина ётоқхонадаги пул сақланадиган жойни кўрсатади. Колесниченко пул сақланадиган жавончанинг бурама михларини бурагич билан очади ва у ердан бир даста АҚШ долларини олиб Маринага тутқазади:

— Қани, мегажин, мана бу пулларни ўз қўлинг билан сана-чи, қанча экан?

Марина санаб чиқиб:

— 5000 доллар экан, — дейди.

Колесниченко пулларни қайтариб олар экан, яна ўшқиради:

— Энди қолган пул ва тиллаларни топиб бер!

— Бошқа ҳеч қанақа пулимиз қолмади.

— Унда ўзим қидириб кўраман!

У шундай дея хоналарни титкилай бошлади. Ниҳоят, бир китоб ичидан яна 200 АҚШ долларини топди, кейин Маринанинг тилла зирагини ва мурданинг қўлидаги тилла узукни ечиб олди. Жавонни титкилаб у ердан ҳам бўйинга тақиладиган тилла-кумуш занжирларни, бир қанча ихчам қиймматбаҳо буюмларни, шунингдек, Б. Биленконинг чарм курткасини олиб, Маринанинг оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб қўйди.

Улар кетар чоғларида яна бир бор дағдаға қилишди:

— Биз кетгунча қўлларингни ечишга уринмаларинг. Акс ҳолда, кўрасизлар...

Ташқарида босқинчиларни А. Каспаровга тегишли «УАЗ-4463» машинаси кутиб турарди...

Энди савол туғилади:

Хўш, нега Латвин талончилик учун айнан Биленколар хонадонини танлади? Сабаб шуки, у бу хонадонда каттагина миқдорда АҚШ доллари борлигини билар эди. Бундан ташқари оила аъзолари билан яхшигина таниш ҳам эди. Талончилик пайтида хонадонга кирмай кўчада қолишининг сабаби ҳам шунда эди. Бироқ у ҳамтовоқларига «Биленконинг мендан 8000 доллар қарзи бор эди. Шу кунгача фоизи билан 12000 долларга етди. Лекин у қарзини беришдан бўйин товлаяпти. Шунинг учун ҳам унинг хонадонига кирганда аёвсиз бўлинглар», деб тушунтирди. Аслида Латвин бошқа ҳаммаслаклари билан тузукроқ «соққа» ишлаб олиб, Россияга ғойиб бўлишни режалаштирган эди. Улар Биленколар хонадонидан бойиб чиққанларидан кейин ўша машинада тўппа-тўғри Россияга қараб жўнашди. Бундан биргина Колесниченко бехабар эди. У чегарага етганларидагина ҳамтовоқларининг ниятларини билиб қолди. «Ўлжа»дан минг доллар «ўлуши»ни олиб, машинадан тушиб қолди.

Шундай қилиб, Колесниченко яна Тошкентга қайтди. Аммо ўзи танлган қинғирлик кўчасидан қайтмади. Пайт пойлаб ўзи яшайдиган «Черданцев-1» мавзесидаги 10-уйнинг 1-хонадонида яшовчи Ева Каракаляннинг жонига қасд қилди. Бу қотилликни таниши А. Орловнинг шундоқ кўз ўнгида содир этди. Бечора Ева диванга ётган жойида нақ кўкрагига теккан ўқдан тил тортмай ўлди. Маст қонхўр мурдани бир ёқлик қилиш ҳаракатига тушди.

— Кел, кўмаклашиб юбор, — деди таниши Орловга.

— Э, йўқ, мен мурдани ушламайман.

— Оббо иқсирт-эй, унда оғингдан гулламасанг бўлгани. Агар чурқ этсанг...

— Бўлди, тушундим.

Колесниченко мурдани чойшабга ўраб юқори қаватдан бир ўзи пастга олиб тушди-ю, такси тўхтатди. Ҳайдовчига:

— Қорасув дарёсига ҳайда! — деди.

Улар қирғоққа етиб келишганларида ярим тун эди.

— Энди ўртоқ ҳайдовчи, сен машинадан тушмай тур, мен мана буни ташлаб келай.

У шундай дея мурдани дарёга улоқтирди. Йўл-йўлакай ҳайдовчига 100 АҚШ доллари тутқазаркан:

- Туя кўрдингми? — деб сўради.

— Йўқ, бу қоронғиликда туя тугул филни ҳам кўрганим йўқ.

— Унда келишдик. Агар оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, нақ бошингдан айриласан.

Ҳайдовчи чурқ этмади. Бу унинг Колесниченконинг шартига розилик аломати эди...

Қотил уйига қайтгач, қуроли — Чехословакияда ишлаб чиқарилган тўппонча ва анчадан бери сақлаб келаётган граната-ни (у бу қуролларни Россияда юрган пайтларида сотиб олган экан) яхшилаб ўраб «чет эл автомашинасининг эҳтиёт қисми» ниқоби остида бир танишига бироз сақлаб туриш учун бериб юборди...

Воқеанинг давоми «бузоқнинг югургани сомонхонагача» тарзида якун топди. Изқуварлар жиноятчиларни ушлаб, суднинг қора курсисига ўтказишди. Тургантитгани разолату ваҳшийлик бўлган Станислав Колесниченко олий жазо — ўлимга маҳкум деб топилди. Георгий Дмитриев ва Адам Каспаровлар эса 12 йилдан озодликдан маҳрум этилди. Қотилликни кўра-била туриб вақтида милиция-га хабар бермаган Андрей Орлов 5 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Аммо пихини ёрган ашаддий жиноятчи Л. Латвин ҳозирча жазодан қочиб, қаёқлардадир из-ғиб юрибди. Лекин эртами-индинми, барибир, қўлга тушади ва қилмишига яраша жазоланади. Чунки дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

33-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
27 апрелдан 7 июнгача
33-АТС АБОНЕНТЛАРИНИ
янги электрон станцияга ўтказиш ишлари олиб борилишини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН СТАНЦИЯГА ЎТКАЗИШ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ ВА АБОНЕНТНИНГ ЎЗ НОМЕРИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ.

Телефон тармоғидаги янги станцияга ўтказиш билан боғлиқ баъзи қийинчиликларни инобатга олган ҳолда юқорида кўрсатилган муддат давомида бошқа абонентга қўнғироқ қилиш ёки Сизнинг телефонингизга тушиш, шаҳарлараро алоқа қийинлашади.

Шунингдек,абонентларни янги станцияга ўтказиш даврида эски 33-АТС абонентлари янги 33-АТС абонентларига телефон қила олмайдилар.

Янги АТСга ўтказиш даврида сўзлашув учун вақтбай ҳақ тўланмайди.

33-АТС абонентларидан сўзлашув учун вақтбай пул олиш қачондан бошланиши тўғрисида қўшимча хабар берамиз.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ШАҲАР ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИДА БЕПУЛ ЮРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини тартибга солишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш мақсадида
1996 ЙИЛ 15 МАЙДАН БОШЛАБ
трамвай, троллейбус, автобус ва метроларда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг янги тури киритилиши туфайли

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» давлат уюшмаси бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган имтиёзли йўловчиларга
ГУВОҲНОМАЛАРНИ
1996 ЙИЛ 26 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
«ЙЎЛОВЧИТРАНССЕРВИС» БИРЛАШГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАРКАЗДАН ОЛИШЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Гувоҳномалар шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача 3-трамвай-троллейбус саройининг маъмурий биносида берилади.

МАНЗИЛИ: Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3 «а»-уй.

Гувоҳнома олувчилар ўзлари билан 2 та 3х4 ҳажмли фотосурат, паспорт, гувоҳнома олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (шахсий нафақахўр (пенсионер) лар гувоҳномаси, ногиронлик китобчаси, ижтимоий таъминот бўлимидан берилган махсус варақали нафақахўрлар гувоҳномаси ва бошқалар) бўлиши керак.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700125, Тошкент шаҳри, Темур Малик кўчаси, 3 «а»-уй (3-трамвай-троллейбус саройи).

ТЕЛЕФОНЛАР:63-19-36, 63-38-96.

ТАШКИЛОТ

ўсимликларни кимёвий ва биологик муҳофаза қилиш воситаларини ишлаб чиқиш учун юқори малакали муҳандис-тарихчилар, технологлар, техник дизайн, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича муҳандислар, иқтисодчилар
КЕРАК.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти (115, 165-автобусларнинг «САМПИ» бекати), ходимлар бўлими.

Телефонлар: 63-64-59, 63-75-21, 63-75-20.

АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1996 йилнинг 18 апрелидан бошлаб Тошкент шаҳрининг ҳамма алоқа бўлимлари ва обуна пунктларида Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари нашрлари учун шу йилнинг иккинчи ярмига обуналар бошланди.

«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

«ЎЗБЕК — ХЕХСТ — ФАРМА» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

фармацевт ёки шифокор мутахассисни
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзилгоҳ: Т. Шевченко кўчаси, 23-уй (20, 17, 10-троллейбуслар қатнайди).

ТЕЛЕФОН: 54-64-15.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0188. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.761 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.